

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИДА ЮРИДИК ХИЗМАТ

Турсунов Акрамжон Баходиржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568500>

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ва Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик хизмат фаолиятида олиб борилаётган ислохотлар, маҳкумлар учун ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, маиший соҳада қулайликлар яратилаётганлиги, уларнинг юридик ёрдам олиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва мазкур тадбирларнинг самарадорлиги масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўз: Жазони ижро этиш департаменти, жазони ижро этиш муассасаси, юридик хизмат, ҳуқуқий ёрдам, маҳкум, ижтимоий, маиший, сиёсий, маҳкумлар ҳуқуқлари, жиноят-ижроия кодекси, қарор, фармон.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари деб аталади) фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қонунчиликка риоя этишда давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини амалга оширувчи юридик хизматлари кўмаклашади.

Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

Буларга мисол қилиб, 2017 йил 19 январдаги «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2733-сонли Қарор, 2019 йил 28 январдаги «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5644-сон Фармон ҳамда 2021 йил 3 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида» ПҚ-5053-сонли Қарор, 2021 йил 10 июндаги «Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5143-сонли Қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 2017 йил 19 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2733-сон Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 250-сонли Қарори, 2019 йил 28 январдаги “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-

тадбирлар тўғрисида” ПФ-5644-сон Фармон ҳамда 2021 йил 3 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида» ПҚ-5053-сон ва 2021 йил 10 июндаги «Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5143-сон Қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 март кундаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик таъминлаш бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 212-сонли Қарори, 2022 йил 18 мартдаги “Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-173-сон Қарор ҳамда бошқа шу каби юридик хизматга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириш мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилади.

Юридик хизмат - давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозимдир.

Юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин[1].

Конституциямизда айбланувчи тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши белгилаб қўйилган[2].

Давлат органлари ва ташкилотлари таркибига кирувчи Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда - ЖИЭД деб юритилади) ва унинг тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасалари (кейинги ўринларда - ЖИЭМ деб юритилади) фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланишида юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хатто Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 10-моддаси “Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш[3]” деб номланиб, маҳкумларнинг юридик ёрдам олишлари кафолатланган.

ЖИЭДда фаолият олиб боровчи юридик хизматнинг жойларда ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш, муассасалар томонидан ишлаб чиқиладиган муассаса фаолиятига оид (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, муассаса юридик хизматларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, жазони ижро этиш тизимида қонунчиликни

такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг ишини мувофиқлаштириш, муассасаларда хизмат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, муассасаларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш каби юридик масалалар ЖИЭД ва унинг тизимидаги юридик хизматлар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

ЖИЭД ёки ЖИЭМ маъмурияти томонидан юридик хизмат ходимларига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

Муассасада юридик хизмат ўз фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) муассасанинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида муассасада, шунингдек муассасанинг тегишли таркибий (соҳавий) тузилмаларида қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чоратадбирларни амалга оширишда иштирок этади, муассаса раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказишда ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган муассасанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан хулосалар беради, мустақил равишда ёки бошқа таркибий (соҳавий) тузилмалар билан биргаликда муассасанинг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди, муассасада бошқарув тизимини такомиллаштириш, унинг таркибига кирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади, муассаса раҳбариятига муассаса фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этади.

2) муассаса томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинаётган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек муассасанинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш соҳасида муассасанинг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади, муассаса ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда иштирок этади, муассасанинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади, тизимли

равишда муассасанинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказди, муассаса фаолияти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади, ходимлар ва маҳкумлар фойдаланишлари учун муассасанинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, муассаса раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади, муассаса таркибий (соҳавий) тузилмаларининг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади.

3) муассаса ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида муассаса раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди, муассаса ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда иштирок этади, муассаса фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш бўйича юқори турувчи органга асослантирилган таклифлар билан мурожаат этади, янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган веб-сайтларни доимий кузатиб боради ва уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида йиғилишларда муассаса ходимларига маълумотлар бериб боради, муассаса ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга муассаса фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради.

4) шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, муассасанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида муассаса билан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар ўртасида низолар вужудга келганда, муассасанинг мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалари билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради, муассаса таркибий (соҳавий) тузилмалари билан биргаликда муассаса томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчилиikka мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди, шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади, муассаса томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади, муассасанинг тегишли таркибий (соҳавий) тузилмалари билан биргаликда муассасанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради, шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради, муассасанинг мулкӣни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва

уларни тайёрлашда иштирок этади, маҳкумларнинг шахсий мол-мулки ва меросларини расмийлаштирилишида, яқин қариндошларига ишончнома беришида иштирок этади.

Муассасанинг юридик хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони билан ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этиш, адвокатлар, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида ҳужжатлар алмашинувини таъминловчи «Юридик ёрдам» электрон тизимини яратиш вазифалари берилди[4].

Республикада бу соҳани янада такомиллаштириш борасида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга биргина мисол, юридик хизмат кўрсатадиган давлат органлари ва ташкилотларининг марказларга юбориладиган ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш жараёнларини электрон шаклга ўтказувчи “E-huquqshunos” электрон тизими яратилганлигидир. Бунинг натижасида иш юритуви тўлиқ рақамлаштирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг тизимида мавжуд бўлган 1 минг 56 та штат бирликларида давлат органлари ва ташкилотларига сифатли ва малакали юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди[5].

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтириб ўтилган қарор, фармон ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юридик хизматларнинг тубдан такомиллашгаётгани уларнинг самарали фаолият юритишига, Жазони ижро этиш департаменти ва унинг Жазони ижро этиш муассасаларида қонун устуворлиги изчил таъминланишига хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2733-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL:<http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. URL:<http://www.lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. URL:<http://www.lex.uz>.
5. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари 1 ёшда. Ойбек Аҳмедов, Фарғона вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи. URL:<http://www.lex.uz>.